

АДОЛАТ



ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV. №

Фракция йиғилиши

ИНСОНПАРВАРЛИК ТАМОЙИЛЛАРИ

қонун лойиҳаларида ўз аксини топмоқда

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида «Адолат» социал-демократик партияси фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди...



Дастлаб «Ўзбекистон Республикасининг Ядровий терроризм актига қарши кураш тўғрисидаги халқаро конвенция (Нью-Йорк, 2005 йил 13 апрель)га қўшилиши ҳақида»ги қонун лойиҳаси...

венцияга аъзо давлатлар ўртасида содир этилган ҳаракатни жиноят сифатида тан олишининг ягона ҳуқуқий негизини яратиб...

Таъкидландики, Ўзбекистоннинг халқаро конвенцияга қўшилиши унинг ядровий терроризмга қарши эканини англади...

(Давоми 2-бетда)

Муносабат

КОНСТИТУЦИЯ ВА ЁШЛАР

Мамлакатимизда инсонпарвар ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш энг олий мақсад бўлиб...

туцияси билан тобора мустақамланиб бормоқда. Зеро, унда халқимиз иродаси, руҳияти, сиёсий онги, маънавияти ва маданияти ўз ифодасини топган...

2-бетда ўқинг.

ЙИГИТ ОМОН БЎЛСА...

Бу даргоҳнинг йиғит кишини Ватан олдидаги фарзандлик бурчини, масъулиятини ҳар қадамда сезиб яшашига ўргатадиган сабоқлари ва ҳаққоний ҳулосага таяниб иш кўрадиган устозлари бор...

Марказий ҳарбий округнинг Самарқанддаги сержантлар тайёраш мактаби бундан саккиз йил муқаддам ташкил этилган эди. Ўтган вақт мобайнида бу ерда икки мингга яқин малакали мутахассис тайёрланди...

(Давоми 3-бетда)



14 январь - Ватан ҳимоячилари кун

МАҲСУЛОТГА ТАЛАБ ОРТМОҚДА

Сирдарё вилоятининг Бахт шаҳридаги «Бахткишлоқхўжалик-маш» Ўзбекистон-Россия-Беларусь қўшма корхонаси маҳсулотларига талаб ортиб бормоқда...

Бундан ўн йилча муқаддам Бахт тажриба-синов механика заводи негизда ташкил этилган ушбу корхонага хоридан 30 миллион сўмлик замонавий ускуналар олиб келиб ўрнатилди...

Қонун моҳияти

БОЛА ҲУҚУҚИ КАФОЛАТЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида инсон ҳуқуқи, шайни ва қадр-қимматининг энг олий қадрият сифатида эътироф этилгани...

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан асос солинган ва жаҳонда «ўзбек модели» деган ном билан тан олинган...

Жамиятимизда инсонпарварлик, меҳр-оқибат ва соҳават муҳитини янада мустақамлаш мақсадида ўтган 2007 йил юртимизда «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилинган...

нида ҳам кўринади. Хусусан, ижтимоий соҳага йўналтирилган маблағлар давлатимиз бюджетининг умумий ҳаражатларига нисбатан 2007 йили 53,8 фоизни ташкил этган бўлса...

Жамиятимизда инсонпарварлик, меҳр-оқибат ва соҳават муҳитини янада мустақамлаш мақсадида ўтган 2007 йил юртимизда «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилинган...

(Давоми 2-бетда)

Партия кўзгузи

ЁШЛАР ФАОЛЛИГИ

партия ташкилотлари ишини жонлантириб, нуфузини оширади, - дейди Ўзбекистон «Адолат» СДП Денов тумани Кенгаши биринчи котиби Урол Ҳамраев

Ҳуқуқий демократик давлатни барпо этиш йўлида амалга оширилган ислохотлари ҳаётега кенг жорий қилинишида, қалай-верса, мамлакатимиз мустақиллигини мустақамлашда ёшларнинг алоҳида ўрни бор...

Феолиятимизнинг асосий йўналиши партия Сиёсий Кенгаши белгилаб берган йўл-йўриқлар асосида ташкил қилинган...

Тумандаги бешта касб-хунара коллежи ҳамда етти та маҳаллада бошланғич партия ташкилотларимиз алоҳида намуна кўрсатмоқда...

ловаларнинг ташаббускорлиги эътиборга моликдир. Шундай фаолларимиз сая-ҳаракатлари туфайли кам таъминланган оилалар, талабалар, ногиронлар, ёлғиз кексаларга ижтимоий кўмак гуруҳлари ташкил қилганмиш...

Деновда 800 мингдан ортиқ аҳоли яшайди. Туманимизнинг нуфузи нафақат Сурхондарё вилояти, балки республикамиз миқёсида ҳам ортиб бормоқда...

ган ишларимиз ижобий натижалар бормоқда. Чунончи, юз нафардан ортиқ кам даромадли оила фарзандлари ҳамкорлик мадади билан тиббиёт, педагогика, маиший хизмат кўрсатиш коллежларига талабалikka қабул қилинди...

«Адолат» мухбири Турсул МАҲМАДАЛИЕВ ёзиб олди

«АДОЛАТ» СДП: ТАШАББУС ВА ТАДБИРЛАР

Кўшқўпир туман партия Кенгаши ташаббуси билан тумандаги Политехника касб-хунара коллежида «Ёшлар йили» муносабати билан тадбир ўтказилди.

Ҳўжаобод туманидаги 1-мактаб бошланғич партия ташкилотининг ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтди. Унда бошланғич партия ташкилотининг мактаб маъмурияти билан ҳамкорлиги, ташкилот фаолияти самарадорлигини ошириш хусусида сўз борди.

Ҳазорасп туман партия Кенгаши Пичоқчи қишлоғидаги 7-болалар боғчасида Янги йил байрами дастурини уюштирди. Тадбирда кам даромадли оила фарзандларига байрам совғалари топширилди.



Ўзбекистон Куролли Кучлари Марказий музейида анъанавий умумармия бадий ижодиёти кўргазмаси очилди. 14 январь - Ватан ҳимоячилари кун хамда Куролли Кучларимиз ташкил этилганнинг 16 йиллигига бағишлаб ташкил этилган мазкур кўргазмада намойиш этилаётган асарларда истиқлол йилларида эришилган ютуқлар, мамлакатимиз мудофаа салоҳияти, харбийлар ҳаёти ўз ифодасини топган.

Самарқанд олий ҳарбий автомобиль кўмондонлик-муҳандислик билим юртида 14 январь - Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Осий Тараққиёт Банки (ОТБ) Марказий Осий минтақавий транспорт йўлагининг бир қисми ҳисобланган асосий автомагистрални ривожлантириш учун Ўзбекистонга 75,3 миллион АҚШ доллари миқдорига маблағ ажратди.

Сирдарё вилоятида фаолият кўрсатиб турган саккиз минг нафардан зиёд фермерлар учун анъанавий қишқи ўқув семинари ташкил қилинди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўрта махсус, касб-хунара таълими маркази билан ҳамкорликда академик лицей ва касб-хунара коллежлари учун нашр этилган янги дарсликлар, ўқув қўлланмалари кўргазмасини ташкил этди. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Республика ахборот-кутубхона марказида «Ахборот-кутубхона тизимининг ҳозирги аҳоли ва уни ривожлантириш муаммолари» мавзусида семинар бўлиб ўтди.

ФЕРМЕРАЛАР ТАНАОВИ

«ЭКОСАН» халқаро ташкилоти ҳамда тегишли идоралар ҳамкорлигида ёш фермерлар республика курик-танловини ташкил этилди. Танловни ўтказишдан асосий мақсад ёшларнинг атроф-муҳитга бўлган эътиборини юксалтириш, иқтисодиёт ривожига муҳим ўрин тутадиган фермерлик ҳаракати жадал ривожланишини рағбатлантириш, табиат иньомларидан оқилона фойдаланишни тарғиб қилиш...

Турли номинациялар бўйича ўтадиган мазкур танлов уч босқичдан иборат бўлиб, унда 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган фермерлар катнашади. Яқинги босқич шу йилнинг ноябрь ойида бўлиб ўтади.

Ўз мухбири

«COSCOM»ДА ЯНГИ ХИЗМАТ ТУРАЛРИ

«TeilaSonera» компанияси «Coscom» мобил алоқалар тармоғини модернизациялашга қарор қилди. Бунинг учун компания 150 миллион доллар сармога ажратди.

Шу муносабат билан компания президенти Ларса Нюберг Тошкентда матбуот анжумани ўтказди. Л.Нюбергнинг айтишича, мажбур тармоқларни янгилаш, станциялар сонини ошириш ва янги хизмат турларини жорий этиш орқали «Coscom»да модернизация жараёнлари амалга оширилди.

Биз Ўзбекистон иқтисодига инвестиция киритмоқдамиз, чунки бу мамлакатнинг соҳадаги дадил қадамга ва ютуғига ишонамиз, - деди Л.Нюберг. «TeilaSonera» бугунги кунда Европа, МДХ, Болтикбўйи давлатларида мобил алоқалар бўйича энг йирик операторлардан ҳисоланади. Ўзбекистон бозори МДХ давлатлари ичида муҳим ўрин тутайди ва телекоммуникация соҳасида хизмат кўрсатишни ривожлантириш учун катта имкониятларга эга. Шунинг учун биз мамлакат бозорида етакчи ва барқарор ўринини эгаллашга ҳаракат қиламиз.

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI OLIY MAJLISINING QONUNCHILIK PALATASIDA

9-10 январь кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Депутатлар Қонунчилик палатаси Кенгаши таклиф этган кун тартибини тасдиқладилар. «Реклама тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 16-моддасига ўзгариш киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасининг аъзоси А.Бойқуллов тақдим этди.

Қонунчилик палатасининг фракциялари вакиллари иштирокидаги моддама-модда муҳокамаси чоғида депутатлар таклиф ва қўшимчалар киритдилар. Ана шу таклиф ва қўшимчалар ҳисобга олинган ҳолда Қонун қабул қилинди.

Халқаро ишлар ва парламентларо алоқалар қўмитасининг аъзоси З.Убайдуллаев «Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини маъруза қилди. Савол-жавоблардан кейин бўлиб ўтган ҳар бир модданинг ба-тарфил муҳокамаси чоғида депутатлар айрим ҳуқуқий нормаларни янада такомиллаштиришга қаратилган фикр-мулоҳазалар баён этидилар. Қонунчилик палатаси қонун лойиҳасини иккинчи ўқишида қабул қилди.

«Вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллашти-

рилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг аъзоси Ф.Қомиллов тақдим этди. Депутатлар ушбу ҳужжатни моддама-модда муҳокама қилиш чоғида вояга етмаган шахсларни ҳимоя заруриятини таъкидлаб, унинг айрим нормаларини аниқроқ белгилашга қаратилган таклифлар киритдилар. Киритилган тўзатишларни ҳисобга олган ҳолда Қонунчилик палатаси Қонунни қабул қилди.

Қонунчилик палатасининг мажлиси 15 январда давом эттирилди. (ЎА)



14 ЯНВАРЬ – ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ

ЙИГИТ ОМОН БЎЛСА...


ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗГИН КЕЧМОҚДА

Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Қашқадарё вилоят кенгаши 199 мингдан ортиқ аъзони бирлаштирган бўлиб, 2000 га яқин бошланғич ташкилотга эга. Ташкилот жамоаси шу кунларда Ватан ҳимоячилари кунини муносиб кўтиб олиш учун оммавий ватанпарварлик ойлигида фаол иштирок этмоқда.

Вилоят ҳокимлиги, давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган турли тадбирлар зўр уюшқоқлик билан ўтказилаяпти. Жумладан, умумтаълим мактаблари ва касб-хунар таълими тизими ўқувчилари ўртасида милтиқдан ўқ отиш бўйича мусобақалар ташкил этилди, голиб жамоалар муносиб тақдирланди. Бундан ташқари, автомобиль, картинг, мотокросс каби техник спорт турлари бўйича малакали мураббийлар савий-ҳаракати билан юзлаб ёшлар мусобақаларида фаол иштирок этишмоқда. Бу борада, айниқса, Нишон, Китоё, Фузор, Касби, Қамаш туман кенгашлари, ўқув спорт-техника клублари аъзолари фаоллик кўрсатмоқда.

Яқинда Ўзбекистон Қуроли Кучлари ташкил топганининг 16 йиллиги муносабати билан Қарши ва Шаҳрисабз автомобиль мактаблари курсантлари ҳарбий қисмларга ташриф буюришди. «Тинчлик ва осойишталик – бебаҳо бойлик», «Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон!», «Хушёрлик ва сергаклик – замон талаби» мавзуларидаги учрашувлар, «Шунқорлар» ҳарбий-спорт ўйинлари эса барча иштирокчиларда, айниқса, ёшларда катта таассурот қолдирапти.

Шавкат СУЛТОНОВ



(Давоми. Боши 1-бетда)

Сержантлар тайёрлаш мактаби ҳудудига қадам қўйганингиз ҳамано бу ерда ҳамма нарса темир қоида ва вақт измига бўйсундирилганини сезасиз. Жисмоний ва ҳарбий тайёргарлик машғулоти ҳамда дарсларни олиб бориш учун махсус заллар, компьютер ва мультимедия жиҳозлари билан таъминланган ўқув хоналари муҳайё. Ҳар битта машғулоти талабчан устозлар иштирокида ўтказилиб, курсантлар маҳоратига баҳо берилади.

Майор Анваржон Ҳакимов сержантлар тайёрлаш мактаби бошлигининг ўринбосари. Бунгача у Чирчиқдаги ҳаво десанти қўшинида хизмат қилган. Ҳарбийликка иқтидори туфайли Қуроли Кучлар Академиясида таҳсил олиб юқори ўнвонга эришди. Ёш бўлишига қарамай, ҳозир масъулиятли вазифани беҳато удраламоқда.

Сержант Жасур Рашидов эса, бўлғуси мутахассислар билан жисмоний тайёргарлик, хусусан, қўл жанги бўйича машғулоти олиб бо-

ради. 33 ёшли бу талабчан устоз шахсий хислатлари билан шогирдларига ибрат бўлиб келаётган. Негаки, у ҳар йили ўтказилаётган танловларда энг юқори ўринларни эгалламоқда.

– Руҳан соғлом, ақлан тектик ва жисмонан бақувват йигитларгина Ватан ҳимоясига яраши мумкин, – дейди Жасур Рашидов. – Қўл остимдаги ёшларни ана шундай тарбиялаётганимдан гоят бахтиёрман...

Курсант Зафар Улуғов асли Бухоро вилоятининг Олот туманидан. 22 ёшли бу навқирон йигит дэю-до ва миллий кураш бўйича барча меъерий талабларни ба-жариб, тенгқурлари ўртасида доврўғ қозонган.

– Бу сифатлар юқори малакали мутахассис бўлишимга асқотади, – дейди у. – Ойлада кенжа фарзанд бўлганим учун ота-онам раъйини қайтармай, ҳарбийликка оқ йўл тилашганидан мамнунман. Келажақда ота-онам, Ватаним ишончини, албатта, оқлайман.

Ҳа, сержантлар тайёрлаш мактабининг оддий иш кунини тарбиядан, соат, дақиқаларгача аниқ белгиланган машғулотлардан бошланади. Ҳар битта машғулоти синов, ҳар бир дарс эса ҳарбийликка азму дастур асосида жойларда ташкил этилаётган тадбирларда ҳарбийларга, уруш ва меҳнат фахрийлари, ота-оналар ҳам иштирок этмоқда. Ҳарбий қисмлар, олий ўқув юртлари, маҳаллалар, коллежлар, лицейлар, мактаблар, офицерлар уйлари ва бошқа муассасаларда мингдан кўпроқ ана шундай учрашувлар, давра субати ва байрам дастурлари ташкил этилди. Бу жараёнда қарийб саксон беш минг нафар офицер, аскар, талаба, ўқувчи ва турли соҳаларда ишлаётган ёшлар қамраб олинди.

Фаргона вилоятининг Охунбобоев туманидаги «Халқобод» фуқаролар йиғинида бўлиб ўтган ана шундай тадбир «Мардлар қўриқлайди Ватани» мавзусига бағишланди. Унда Ватанимизнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, Қуроли Кучларимизни янада такомиллаштириш борасида олиб борилаётган изчил ислохотлар бераётган самаралар хусусида сўз борди. Тадбир доирасида ташкил этилган мусобақаларда ёшлар спортнинг турли йўналишлари бўйича ўзаро куч синашди. Ёш ижрочилар томонидан маданий дастур намойиш этилди. «Камолот»нинг Хоразм вилоят кенгаши томонидан оммавий ватанпарварлик ойлигини юқори савияда ўтказиш мақсадида «Юлдузлар ташрифи» лойиҳаси ишлаб чиқилди ва амалга оширилди. Лойиҳа доирасида таникли санъаткорлар, ёзувчи-шоирлар ва бадийий жамоалардан ташкил топган

Зоҳир ТўРАҚУЛОВ, «Адолат» мухбири



Суратларда: сержантлар тайёрлаш мактабининг кайноқ ҳаётидан лавҳалар. Муаллиф олган суратлар.

ВАТАНГА МУҲАББАТ, ИСТИҚЛОЛ ҲОЯЛАРИГА САДОҚАТ

Улғайиб келаётган авлодни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғоялари ва умумбашарий қадриятларга садоқат руҳида тарбиялаш, келажақ эгалари онг-шуурига ҳарбий ватанпарварлик туйғусини чўқур синдириш Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» ижтимоий ҳаракати фаолиятининг муҳим йўналишларидандир. Бу борада тегишли давлат, жамоат ташкилотлари, таълим муассасалари билан ҳамкорликда кенг қўламли ишлар амалга ошириляётган.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши матбуот хизматидан маълум қилишларича, ташкилот томонидан ҳарбий ватанпарварлик мавзусида ўтказилаётган тадбирларга умумтаълим муассасалари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари, айниқса, кенг жалб этиляётган. Бунда уларни Қуроли Кучлар сафида хизмат қилиш ва олий ҳарбий ўқув юртларига ўқишга тайёрлашга алоҳида аҳамият қаратилямоқда.

Ёшлар ташкилотлари томонидан Қуроли Кучларимизнинг 16 йиллигига бағишлаб ишлаб чиқилган махсус дастур асосида жойларда ташкил этилаётган тадбирларда ҳарбийларга, уруш ва меҳнат фахрийлари, ота-оналар ҳам иштирок этмоқда. Ҳарбий қисмлар, олий ўқув юртлари, маҳаллалар, коллежлар, лицейлар, мактаблар, офицерлар уйлари ва бошқа муассасаларда мингдан кўпроқ ана шундай учрашувлар, давра субати ва байрам дастурлари ташкил этилди. Бу жараёнда қарийб саксон беш минг нафар офицер, аскар, талаба, ўқувчи ва турли соҳаларда ишлаётган ёшлар қамраб олинди.

Фаргона вилоятининг Охунбобоев туманидаги «Халқобод» фуқаролар йиғинида бўлиб ўтган ана шундай тадбир «Мардлар қўриқлайди Ватани» мавзусига бағишланди. Унда Ватанимизнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, Қуроли Кучларимизни янада такомиллаштириш борасида олиб борилаётган изчил ислохотлар бераётган самаралар хусусида сўз борди. Тадбир доирасида ташкил этилган мусобақаларда ёшлар спортнинг турли йўналишлари бўйича ўзаро куч синашди. Ёш ижрочилар томонидан маданий дастур намойиш этилди.

«Камолот»нинг Хоразм вилоят кенгаши томонидан оммавий ватанпарварлик ойлигини юқори савияда ўтказиш мақсадида «Юлдузлар ташрифи» лойиҳаси ишлаб чиқилди ва амалга оширилди. Лойиҳа доирасида таникли санъаткорлар, ёзувчи-шоирлар ва бадийий жамоалардан ташкил топган

ижодий гуруҳ ҳарбий қисмлар, меҳрибонлик уйлари, таълим муассасалари ва маҳаллаларда бўлиб, ўз маданий-маърифий дастурларини намойиш этди. Турли соҳалар мутахассислари ва ёшлар иштирокида ўтган давра суҳбатларида келажақ эгаларининг ҳуқуқий ва тиббий маданиятини юксалтириш, ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш борасида амалга ошириляётган ишлар ва армия сафларига чакриллажак йигитлардан талаб этилядиган жисмоний, ҳарбий ва маънавий тайёргарлик хусусида фикрлашилди.

Ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида, маънавий етук ва жисмонан баркамол этиб тарбиялашда аънавий тарзда ўтказиб келинаётган «Шунқорлар» ҳарбий-спорт мусобақалари катта аҳамият касб этмоқда. Йилдан-йилга тобора оммалашиб бораётган мазкур тадбирда умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари ва академик лицейларнинг ўқувчилари фаол иштирок этаётган. 2007 йили ушбу тадбирнинг туман, вилоят ва финал босқичлари ҳар қачонгидан ҳам юқори савияда, кўтаринки руҳда ўтди. Унда икки юз минг нафардан зиёд ўсмир қатнашди. Мусобақа жараёнида ўқувчилар жанговар ҳарбий-спорт йўналишидаги беллашувлардан ташқари, ҳуқуқ соҳасидаги билими бўйича ҳам куч синашди.

Мамлакатимиз Президенти Ислам Каримовнинг 2005 йил 31 октябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга бериладиган имтиёзлар тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарликка юксак қўрсаткичларга эришган, муддатли ҳарбий хизматни ўташ чоғида тенгдошларига ибрат бўлган, ватанпарвар ва фидойий ёшларни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш борасида қўрсатиляётган ғамхўрликнинг амалдаги яна бир ифодаси бўлди.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ва тўлов-контракт шакли бўйича ўқишга қабул қилинган талабаларга, улар ўқиб даврида «Камолот»нинг талабалар ташкилотлари фаолиятида фаол иштирок этса, контракт суммасининг 35 фоизини тўлаш тарихасида моддий ёрдам кўрсатмоқда. 2006-2007 ўқув йилида қарийб 2700 нафар талаба ана шундай ёрдамдан баҳраманд бўлди. Жорий ўқув йилида уларнинг сафи янада кенгайди.

Яратилаётган бундай қулайликлардан оқилона фойдаланишга, давлатимиз раҳбарининг қўрсатаётган ғамхўрлигига муносиб бўлишга интиляётган йигит-қизларимиз орасида ҳарбий соҳада фаолият юритаётган ёшлар ҳам талайгина. Уларнинг бу борадаги шижоати давлатимиз ва халқимиз томонидан муносиб эътироф этиляётган. Давлат туракдорлиги, шунингдек, «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони, «Камолот» стипендияси соҳиблари қаторида барча жаҳонлар сингари ватан ҳимоясига камарбаста ёшлар ҳам кўп эканлиги фикримиз исботидир.

«Камолот» тизимида Қуроли Кучлар сафида хизмат қилаётган аскарлар иштирокида ранг-баранг тадбирлар ўтказишга, ҳарбий амалий-техник спорт турларини янада ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратиляётган. Бунда Мудофаа, Ички ишлар, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Соғлиқни сақлаш, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси каби ташкилотлар билан ҳамкорлик яхши самара бераётган.

Мамлакатимизда кенг жамоатчилик иштирокида «Ҳарбий хизматга куза-тиш», «Ҳарбий қасамд қабул қилиш» каби маросимлар, хизмат бурчини намунали адо этаётган аскарлар билан учрашувларни байрамона тусда ўтказиш яхши аънамага айланди. Ана шундай тадбирлардан бири Қораканли туманидаги Кейки Мergen маҳалласида бўлиб ўтди. «Аскар бўлай десангиз» мавзусида ўтган ушбу тадбирда ҳарбий қисм офицер ва аскарлари ёшларга ҳарбий хизматнинг инсон камолотидаги ўрни хусусида сўзлаб бердилар.

Навоий вилоятининг Кармана туманида оммавий ватанпарварлик ойлиги доирасида ташкил этилган тадбирда эса мактаб ва коллеж ўқувчилари ўртасида спортнинг учқураш тури бўйича мусобақа ўтказилди. Тумандаги етти та мактаб ва тўртта касб-хунар коллежидан ўндан зиёд жамоа иштирок этган мазкур мусобақада ёшлар югуриш, граната улоқтириш ва мерганлик бўйича куч синашди.

Ватан ҳимоячилари кунини олдиан мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ташкил этиляётган бундай байрам тадбирлари ёшларни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Баҳор ХИДИРОВА, ЎзА мухбири

«ҚИШЛОҚ ҲУЖАЛИККИМЁ» ИЗБОСҚАН ТУМАН ФИЛИАЛИ

Юрт ўэлонларини 14 январь – Ватан ҳимоячилари кунини ҳамда Қуроли Кучларимиз ташкил этилганининг 16 йиллиги муносабати билан самимий қутлайди



Мамлакатимиз осойишталигини таъминлаш мақсадида туну кун жаақ хизматида бўлаётган юртнинг мард ва матонатли ўғлонларига соғлиқ-саломатлик, оилавий бахт-саодат тилаймиз.

ВОБКЕНТ ТУМАН «МАШИНА-ТРАКТОР ПАРКИ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

Ватан ҳимоячилари кунини ҳамда Қуроли Кучларимиз ташкил этилганининг 16 йиллиги муносабати билан барча юртаошларини чин дилдан табриқлайди



Ойлангиздан бахт, қувонч ва шодлик, қут-барақа аримасин. Эл хотиржамлиги ҳамда мамлакатимизнинг мудофаа салоҳиятини ошириш йўлида олиб бораётган масъулиятли ва шарафли ишларингизга омад ёр бўлсин!



Тарихий обидаларимиз

ДЕВОНБЕГИ МАДРАСАСИ

Девонбег мадрасаси — айвон, масжид ва катта дарсхона йўқ, бироқ тўрт томонида мўъжаз хужралар бор.

Девонбег мадрасаси — айвон, масжид ва катта дарсхона йўқ, бироқ тўрт томонида мўъжаз хужралар бор.

майдонга қараган. Пештоқида кошнандан оху, парвоз қилаётган лайлак тасвири ташрирланган.

АКСИ БЎЛИБ ҚОЛСА-ЧИ...

Америкалик бир раққоса Бернард Шоу ҳақида эшитиб қолди. Унинг теран ақлига ўзининг келишган қоматини тенг билиб,

тасаввур қилин-а, туғилажақ фарзандимизга сизнинг ақлингизу, менинг қоматим мужассам бўлса...

“Адолат” ҳуқуқий маслаҳатхонаси

ТЕРГОВ МУДДАТИ — 3 ОЙ

Жиноятчиликни аниқлашда қиммат тергов қилиш ҳуқуқига эга. Тергов жараёни қанча муддат давом этиши мумкин?

Жиноят процессуал Кодекснинг 35-моддасига асосан жиноят иши бўйича дастлабки тергов прокуратура, ички ишлар органлари ва миллий хавфсизлик хизмати терговчилари томонидан олиб борилади.

Бироқ, ана шу уч ойлик муддатда терговни тамомлашнинг имконияти бўлмаса, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурор томонидан беш ойгача узайтирилади.



Тошкент вилояти Қўйичирчиқ туманидаги «Кўнжирокча» мактабгача таълим муассасасида икки ёшдан етти ёшгача бўлган 122 нафар жажжи ўғил-қизлар тарбияланади.

ҲАММАСИ ЎЗИМИЗГА БОҒЛИҚ

Кейинги пайтларда кўча-куйларда, маҳаллаларда чиқиндиларни ёқиш одатий ҳолга айланмоқда. Бу эса ёнгин билан боғлиқ турли бахтсиз ҳодисаларнинг келиб чиқишига сабаб бўлаётди.

КИШИ ТАЪЛИМАРИ ҚИШҚИ ТАЪЛИМ

Фаргона вилоятида ўқувчиларнинг қишқи таълим кунлари мароқли ўтмоқда.

Вилоят рус драма театри тайёрлаган “Янги йилнинг сеҳрли саргузаштлари” деб номланган байрам дастури айни кунларда мактабгача таълим муассасалари ҳамда умумтаълим мактабларида намойиш этилмоқда.

Донолар ўғити

ЯХШИЛИК ҚИЛ, ЯХШИЛИКНИНГНИ УНУТ

Ануширваннинг ўғли Хурмуз Ахваз вилоятига борган пайтда ўша ер хокими билан мулоқотда бўлди ва унга деди: “Сенда ягона бир айбанд бошқа ҳеч қандай айб кўрмадим.

ADOLAT IJTIMOIY-SIYESIY GAZETA MUASSIS: O'ZBEKISTON «ADOLAT» SDP SIYESIY KENGASHI

Тахрир ҳайъати Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА, Иқбол МИРЗО, Турсунали ҚЎЗИЕВ, Турғунпўлат ДАМИНОВ, Равшан ҲАЙДАРОВ, Мамазоир ХЎЖАМБЕРДИЕВ, Исомил САИФНАЗАРОВ, Собир ТУРСУНОВ, Шермат ШАМСИЕВ, Светлана ОРТИҚОВА, Мукаррамхон АЗИМОВА, Жуманиёз АЛИБЕКОВ, Камол АЛЛАЁРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Талъат МУРОДОВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди • «Адолат»дан кўчириб босиб фақат таҳририят рўхсати билан амалда оширилади.

ДУНЁ КЕЗАЁТИР, ЎЗБЕК КУРАШИ!

Истиқлол йилларида халқимизнинг қадимий қадриятлари, анъаналари нафақат қайта тикланди, шунингдек, дунё юзини кўра бошлади.

Мен Ўзбек курашини «XXI аср спорти», дея эътироф этаман. Кураш менга жуда ёқди. Унда мардонворлик мужассам. Ўзга юрт полволлари бўлиш аниқлаб этишса борми, фақат ўзбекча кураш тушуғиси келиб қолади.

Ўзбек кураши, бошқа спорт турларидан фарқли ўлароқ, рақибнинг тана қисмига жараҳат етказадиган ҳаракатлардан холи. Унда халқимизга хос – ўзгалар кўнглига озор бермаслик, бағрикенглик, каби фазилатлар мужассамлашгани бежизга эмас.

Ўзбекистон Президентининг 1999 йил 1 февралдаги «Халқаро Кураш Ассоциацияси (ИКА)нинг 2003 йили Тошкентда ўтказилган конгресси» қарори билан курашнинг олд томони ҳовуз ёнидаги айвон, масжид ва катта дарсхона йўқ, бироқ тўрт томонида мўъжаз хужралар бор.

Бизнинг японларда шундай ўхшатиш бор: балиқ оқими қарши суздаи ва юлиб чиқади. Мен Ўзбек курашини шу ибора билан қисқартираман.

рессиди курашини вақти 3 дақиқа қилиб белгиланди. Курашнинг хатти-ҳаракати қараб, «чала», «ёнбош», «ҳалол» баҳолари, қандайдир ҳаракатларга эса «танбех», «дакки», «ғирром» жазолари берилди.

ADOLAT IJTIMOIY-SIYESIY GAZETA MUASSIS: O'ZBEKISTON «ADOLAT» SDP SIYESIY KENGASHI

Тахрир ҳайъати Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА, Иқбол МИРЗО, Турсунали ҚЎЗИЕВ, Турғунпўлат ДАМИНОВ, Равшан ҲАЙДАРОВ, Мамазоир ХЎЖАМБЕРДИЕВ, Исомил САИФНАЗАРОВ, Собир ТУРСУНОВ, Шермат ШАМСИЕВ, Светлана ОРТИҚОВА, Мукаррамхон АЗИМОВА, Жуманиёз АЛИБЕКОВ, Камол АЛЛАЁРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Талъат МУРОДОВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди • «Адолат»дан кўчириб босиб фақат таҳририят рўхсати билан амалда оширилади.